



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 26-aprel. Shanba • 50 (31.797)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиш мақсадида 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфраструктурасини ривожлантириш борисида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сийосий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги кўшма декларация руҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил қони негизда бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримов 25 апрель куни ушбу йирик саноат корхонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустақам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак кадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир. «Project Finance International» халқаро наشري ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидagi 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфуз-

ли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Мазкур лойиҳа кўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳақмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тараққиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга сугурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфраструктура объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди. Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корей халқларига бирдек хос, деди Юртбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажак буюк давлат қурилиши ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўрамыз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Учрашувда «Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, «Lotte Chemical» компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хон Чул Пак, «Hyundai engineering» компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш майдони раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шароит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Анвар САМADOV,
Аминбой ОРТИҚBOEV,
ЎзА махсус мухбирлари.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантиришни талаб этади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янги босқичга кўтариш масаласи юзасидан ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов маъруза қилди.

— Партияимиз Сайловди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш асосий вазифа сифатида белгиланган, — деди у. — Шу боис ижтимоий соҳадаги ислохотларда партияимиз муносиб иштирок этиши лозим. Бунинг учун, аввало, партия кенгашлари,

депутатлар ва бошлангич ташкилотлар ҳамкорлигини мустақамлаш, маълум бир ижтимоий масалани бир-галикда тизимли ўрганиб, амалий тақлифларни изчил шакллантириб бориш талаб этилади.

► Давоми 2-бетда.

МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

Ватан ва истиқлол куйчиси

Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу ғоялар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бадиий адабиётни рағбатлантириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серкира ижодий фаолияти, жонжон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт муҳлисларининг ардоғига сазовор бўлган ҳассос ижодкорлардан эди.

Шу кунларда юртимизнинг барча худудларида Ватан ва истиқлол куйчиси таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«Ўзбекистон ёшлари — буюк келажак сари»

Ўз халқ тарихи, қадриятларини чуқур билган, ўзлигини англаган, дунёвий билимларни эгаллаган ёшлар ҳеч қачон, ҳеч қандай бузғунчи ғоялар таъсирига берилмайди

2

Мурожаат ортида электорат манфаати бор

Бу бизга катта масъулият юклайди

ЎзХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Бирор муаммага ўзи ечим тополмаган одам ёрдам сўраб, турли ташкилотларга мурожаат қилади. Агарда масала ижобий ҳал этилса, фуқарога ҳам, жамиятга ҳам фойда. Акс ҳолда ҳар икки томон зиён кўради.

ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли, хусусан, электорат вакиллари йўлантираётган масалаларни ҳал этиш, ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож фуқароларга йўл-йўриқ кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Навоий

вилоятида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Қизилтепалик Солиа Жўраева мутахассислигига мос иш топишда ёрдам сўраб, ЎзХДП Қизилтепа туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этган эди.

— Масала ижобий ечим топди, — дейди у. — Партия

фаоллари мутахассислигимга мос иш ўринларини ўрганиб чиқди. Сўнгра туман тибиёт бирлашмасида ишга жойлашшимга кўмаклашиди. Бу билан мени қўллаб-қувватлаган партияга ишончим янада ошди.

► Давоми 2-бетда.

ГАЗЕТХОН САВОЛИГА МУТАХАССИС ЖАВОБИ

Ёшим 60 да. Саккиз йиллик меҳнат стажига эгаман. Менга пенсия тайинлашда нималар ҳисобга олинади?

Кўчқор АДИЛОВ,
Тошкент шахри.



Саволга Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Сергели туман бўлими бошлиғи Гулнора Мурадова жавоб беради:



— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига асосан эрақлар 60 ёшга тўлганида ва иш стажига камидан 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганида ҳамда камидан 20 йиллик иш стажига эга бўлганида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Ушбу қонуннинг 8-модда-

сида иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғда пенсия тайинлаш тартиби кўрсатиб ўтилган. Пенсия тайинлаш учун старалича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсия камидан 5 йиллик иш стажига мавжуд бўлган тақдирда, бор стажига нисбатан мутаносиб миқдорда пенсия тайинланади. Бунда фуқаронинг 5 йиллик иш стажига даври — Молия вазир-

лиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаб турган вақти ҳисобга олинади. Демак, Сизнинг 8 йиллик меҳнат стажингиз бор экан, бу ҳақида ишлаган иш жойингиздан олинган ойлик иш ҳақи ҳамда сугурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида маълумот билан ўзингиз яшаб келатган туман Пен-

сия жамғармасига мурожаат этишингиз мумкин. Талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этсангиз, сизга тўлиқсиз иш стажига билан ёшга доир пенсия тайинланади. Юқорида айтиб ўтилган қонунга мувофиқ, тўлиқсиз иш стажига билан ёшга доир пенсиянинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмалиги лозим.

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ЎзХДП иштироки, электорат манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларидан бирида ўқишингиз мумкин.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Эришилган натижаларни мустақамлаб,

истиқболдаги катта мақсадлар сари интилиш керак



www.uzbekistonovozi.uz

МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ



Ватан ва истиқлол куйчиси

«Туркистон» саройида 25 апрель кун Узбекистон халқ шoirи Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шoirлар, адабиётшунослар, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Узбекистон халқ артисти А.Рафиков Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида миллий маънавиятнинг узвий ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шoir ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шoirи Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги қарори бадий сўз санъати, унинг ривожини йўлида меҳнат сиңган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Муҳаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий гуруру ва инфтихор туйғуларини, эзгу фаилатларини камол топтириш борасида ёрқин истевдоди, бетакрор бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Унинг истиқлолимига садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, достонлари адабиёт мухлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Юсуфнинг «Таниш тераклар», «Ишқ кема-си», «Эрка кийик», «Ўзингдан қўямасин, халқим» каби шеърини тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридарё халқимизни, бегубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган қўшиқлар санъат мухлислари қалбидан жой олган.

Шoirнинг адабиётимиз Шу кунги Ўзбекистон халқ шoirи Муҳаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Пушкин-Солор кўчасидаги 1-уйда шoir хотирасига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Халқимизнинг ардоқли шoirи хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушoirалар давом этмоқда.

Назокат Усмонова, ЎЗА мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

www.xdp.uz
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантиришни талаб этади

Биз дастурий йўналишларимизни депутатлар, партия фаоллари билан муҳокама қиламиз. Бошланғич ташкилотлар етакчилари, электрот вакилларини ҳар доим ҳам тақлиф қилавермаймиз. Улар тадбирларимизга мунтазам қатнаша, сиёсий-ҳуқуқий билими, фаолиги ошади.

Асосий вазифаларимиздан яна бири жамоатчилик ва депутатлик назоратини жойларда тизимли равишда амалга оширишдир. Бунинг учун халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ва шаҳар, туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозим. Айниқса, «Коллекторхона» тизимини ривожлантириш, битирувчиларни қафолашган иш ўрни билан таъминлашга қаратилган уч томонлама шартномалар ижросини назорат қилишда бу ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Абдумутал Абдуллаевнинг қайд этишича, ўтган йили партия гуруҳи йиғилишида 3 та, доимий комиссияда 2 та масала муҳокама қилинди. Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳлари йиғилишларида, доимий комиссиялар ва сессияларда эса 11 та долзарб масала кун тартибига қўйилди.

— Аҳолининг давлат ва жамият томонидан мақсадли қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезаётган қатлами орасида қанча кўп бўлсак, улар муаммоларини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатсак, партиямизга одамлар ишончини шунча мустаҳкамлаган бўламиз, — деди у. — Шу боис, депутатлар ўз сайлов округида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дас-



Рустамжон ЭШОНОВ олган суратлар.

турларининг қай даражада амалга оширилаётганини мунтазам равишда назоратга олиб, таҳлил этиб бориши керак. Ҳар бир депутат ўзи сайланган худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхши билса, юзга келаётган масалаларни чуқур ўрганса, уларни бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар билдира олади.

Бу жараёнда, аввало, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ваколатларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки доимий ко-

миссиялар худудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар ечим бўйича амалий тақлифларни шакллантиришда муҳим ўрин тутатади. Сессия муҳокамасига ҳам тегишли масала доимий комиссия орқали киритилади. Шу боис партиямиздан сайланган ҳар бир депутат доимий комиссияларда электрот манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда фаоллик кўрсатиши керак бўлади.

Пленумда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси

аъзоси Ҳафиза Каримова асосий эътиборни «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросида партия ташкилотлари ва депутатлар иштирокига қаратади.

— Соғлом бола йили муносабати билан ЎЗХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури таҳлилий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, қўшимчалар киритилгани ҳар биримиздан бу масалага жиддий масъулият билан ёндашишни талаб этади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида соғлом болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилаларнинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самардорлигини оширишга оид долзарб масалалар акс этган. Шунингдек, ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлнинг уй шароитида ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини топишга кўмаклашишга қаратилган тад-

Партиямиздан сайланган ҳар бир депутат электрот манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда фаоллик кўрсатиши керак бўлади.

бирлар кенг ўрин олган. Бу эса бевосита ЎЗХДПнинг дастурида устувор ҳисобланган вазифаларга тўла мос келади. Демак, биз дастур ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш орқали электротимиз манфаатини ҳимоя қилган бўламиз.

Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Айниқса, 7 та конун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилгани биз, депутатлар зиммасига янада масъулият юклайди. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг тақлифларини ўрганиш яхши самара беради. Шунинг учун маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликимизни янада кучайтиришимиз керак.

Пленумда, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш, сиёсий ўқувлар тасвирчанлигини, партия гуруҳларининг ташаббускорлигини, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Ислохотларнинг худудлардаги самарасини таъминлаш борасида аниқ тақлифлар билан чиқиш зарурлиги таъкидланди ҳамда шу масалаларни қамраб олган қарорлар қабул қилинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

ЎЗХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими томонидан шу шior остида ёшлар анжумани ўтказилди. Унда партиянинг ёш фаоллари, олий ўқув юртлири талабалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, педагог-психолог мутахассислар ҳамда ота-оналар иштирок этди.

«Ўзбекистон ёшлари — буюк келажак сари»

Анжуманда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда «Истикбол» ёшлар қанотининг фаол иштирокини таъминлаш, ёшлар муаммоларини ўрганиш, улар ечимига жавоб топиш каби масалалар муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдошев, ЎЗХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Маҳмуджон Маҳмадов, партия Марказий Кенгаши бўлими мудири Зокиржон Холматов ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънан соғлом, руҳан тетик, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимдон авлодни тарбиялаш борасида партиямизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида

жинояти, «оммавий маданият», ОИТС, гиёҳвандлик иллатлари, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли каби зарарли одатларнинг оқибатларини кўрсатадиган видеороликлар намойиш этилди.

— Ахборот хуружи одамлар онги-га таъсир этишининг кенг тарқалган усулига айланди, — дейди «Истикбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими аъзоси Ситора Бобоева. — Бунда энг қулай восита — интернетдир. Тенгдошларимиз онгида маънавий бўшлиқ бўлмаслиги учун ёт гоёларга нисбатан кучли иммунитет ҳосил қилиш керак. Тарихи, қадриятлари, ўзлигини чуқур англаган, дунёвий билимларни эгаллаган ёшлар ҳеч қандай бузғунчи гоёлар таъсирини берилмайдди. Шу боис қанотимиз фаоллари билан тенгдошларимизни сиёсий жараёнларга жалб қилиш, ўз гоё ва ташаббуслари орқали тараққиётимизга ҳисса қўшишга рағбатлантиришимиз. Бугунги анжуман ҳам айнан ана шу мақсадга хизмат қилади.

Анжуманда маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳамда педагоглар ёшлар маънавиятига, онгига таҳдид солувчи ҳар қандай бузғунчи гоёга қарши жаморликда курашиш ўзининг ижобий самарасини беришини таъкидлашди.

Тадбирда партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари тантанали сурада топширилди. Маҳиёра Бойбобоева

ЎЗХДП БОШ МАҚСАДИ: ИЖТимоий ҲИМОЯ

Касб-хунар коллежларини битираётган қизлар

иш билан таъминланмоқда

Жорий йилда Самарқанд вилоятидаги 156 та касб-хунар коллежини 40 мингдан зиёд ўқувчи битиради. Уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича уч томонлама шартномалар тузилмоқда.

Айни кунларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, ҳар бир битирувчи қизнинг меҳнат билан банд бўлиши, тадбиркорлик истагида бўлганлар учун шартшароит яратиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

— Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, эрта турмуш қурган, аниқ касб-хунарга эга бўлмаган қизларнинг рўзғорида турли нотинчликлар кузатилади, — дейди Нарпай тумани хокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шoirа Бойқоқлова. — Шу нуқтаи назардан, қизларнинг хунарли бўлишлари жуда муҳимдир. Биз бу масалага масъулият билан ёндашмоқдамиз.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ЎЗХДП туман кенгашининг доимий назоратига олинган, — дейди ЎЗХДП Нарпай тумани кенгаши раиси Иброҳим Исоқулов. — Жорий ўқув йилида тумандаги касб-хунар коллежларини 2694 нафар ёш битирмоқда. Уларнинг 1331 нафари қизлар. Битирувчи қизларнинг 96 нафари олий ўқув юртига кириши, 35 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди. 759 нафар қизнинг аниқ иш жойи мавжуд. Қолган 441 нафарининг бандлигини таъминлаш чоралари кўриломоқда.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Мурожаат ортида электрот манфаати бор

Бу бизга катта масъулият юклайди

Туман партия кенгаши раисига ЎЗХДПга аъзо бўлиш истагини берлигини айтдим.

Бу қарорим уларга маъқул келди ва партиянинг Дастури, Сайловолди дастури билан таништиришди. Партиямиз мақсад ҳам партия менга маъқул келди ва ЎЗХДП сафига қабул қилиндим. Оддий одамлар манфаати учун қайғурадиган сиёсий куч сафида эканман, энди ўзим ҳам партия Дастурини амалга оширишда фаол қатнашаман.

— Анчадан буён турар жойимга яқинроқдан иш қидириб юрган эдим, — дейди Нафиса Муҳаммедова. — Бир танишимнинг тақлифи билан ЎЗХДП Жамоатчилик қабулхонасига бордим. Орадан бироз вақт ўтгач, партия фаоллари мени худудимиздаги мавжуд бўш иш ўринлари билан таништириб чиқилди. Уларнинг ёрдами билан «Олтин балкича» мактабгача таълим муассасасига ишга жойлашдим.

Маълумки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ЎЗХДП дастурида қатор вазифалар белгиланган. Демак, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти бевосита партия дастурий мақсадлари ижросига хизмат қилмоқда.

Шу боис, мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор билан ёндашиш, уларни ҳал этиш учун барча имкониятларни сафарбар этиш зарур.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 77 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг аксарияти коммунал соҳа, бандлик, соғлиқни сақлаш, иш ҳақи билан боғлиқдир.

— Аҳолининг муаммоларини ўрганиш мақсадида Кўча жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилди, — дейди ЎЗХДП Навоий вилоят Кенгаши бўлими мудири Феруза Қодирова. — Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Навбахор туманидаги шифохонада ўтказилди. Аҳолидан тушган мурожаатлар партия гуруҳи йиғилишида муҳокама этилиб, тақлифларимиз халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиясига тақдим қилинди. Жорий йилда барча туманларда ана шу тажрибани изчил йўлга қўйишни режалаштирдик.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

Швеция муҳим сиёсий жараёнлар олдида



ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Бугун барча ривожланган демократик давлатларда сиёсий партиялар жамият ҳаётида катта ўрин тутади. Улар аҳолининг турли қатламлари манфаатини ҳимоя қилади, мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини белгилашда иштирок этади.

Швецияда 768 сиёсий партия мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этмоқда. Улар ичида 7-8 сиёсий кучлар етакчи ҳисобланади. Таъкидлаш керакики, мамлакатдаги кўпгаб сиёсий партиялар асосан ҳудудий ва маҳаллий миқёсда фаолият олиб боради. Шу билан бирга, аҳо-

лининг муайян вакиллари манфаатларини ифодалайдиган кичик-кичик партиялар ҳам мавжуд. Улар орасида Аёллар ташаббуси, Пенсиялар манфаати, Соғлиқни сақлаш каби партиялар кўзга кўринган.

Швеция парламенти бир палатали — Риксдагдан иборат бўлиб, 349 нафар депутатдан ташкил топган. Риксдагда 15 қўмита фаолият юритади. Парламент сайловлари ҳар 4 йилда ўтказилади. Сайлов белгиланган йилнинг сентябрь ойи учинчи яшанбасида бўлиб ўтади.

Мамлакатда сўнгги парламент сайловлари 2010 йил 19 сентябрь кунини ўтказилган. Унда парламентдаги ўринларни асо-

Партиянинг асосий ғояси — демократияни янада чуқурлаштириш, жамиятдаги ижтимоий тенглик тамойилларини мустаҳкамлаш.

сан етакчи сиёсий партиялар эгаллади. Мамлакатдаги энг етакчи сиёсий кучлардан бири — Швеция социал-демократик партияси парламентдаги 349 ўриндан 113 тасини, Европарламентдаги Швециянинг 20 ўриндан 6 тасини қўлга киритди. Таъкидлаш керакики, ушбу сиёсий партия 1889 йил 23 апрелда ташкил этилган. Партия ғоялари шунча вақт мобайнида ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Айни кунда партиянинг 120 минг нафардан ортиқ аъзоси мавжуд.

Партиянинг асосий ғояси — демократияни янада чуқурлаштириш, жамиятдаги ижтимоий тенглик тамойилларини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларга иқтисодий эркинлик бериш ҳисобланади.

Мамлакатдаги яна бир етакчи сиёсий куч — Муътадил коалицион партия ҳисобланади. Ушбу сиёсий партия парламентдан 107 та, Европарламентдан 4 та жойини эгаллаган. Либерал-консерватив ғоялари тарафдори бўлган мазкур партиянинг 53 минг нафардан ортиқ аъзоси мавжуд.

Мамлакатдаги сиёсий жараёнлар шунини кўрсатмоқдаки, асосий кураш ана шу икки

партия ҳамда улар тарафдорлари бўлган сиёсий кучлар ўртасида кечмоқда. Бунинг асосий себаблари фракциялар ортасидаги турмуш ҳаёти ва кўрсатиб турибди. Хусусан, парламентда Муътадил коалицион партия, Марказ партияси, Либерал халқ партияси ҳамда Христиан-демократик партиялари ўзаро блокка бирлашган.

Оппозиция — яъни, сўл қанотли Швеция социал-демократик партияси, Яшиллар партияси, Сўл партия ҳамда Швед демократияси партиялари ташкил этади.

Жорий йил сентябрь ойида Швецияда муҳим сиёсий жараён — парламент сайловлари ўтиши белгиланган. Унда мазкур партиялар ўртасида сайловда қурашлари янада қизғин кечиши кутиляпти.

Сиёсий таҳлилчилар томонидан мазкур сайловларда Швеция социал-демократик партиясининг муваффақиятли иштирок этиши тахмин қилинмоқда. Чунки, ушбу партия айни вақтда аҳоли муаммоларини ўрганиб, шу асосда сайловдаги платформаси, ижтимоий дастурларини такомиллаштирмоқда.

Нурали ОРИПОВ



Иқлим ўзгариши оқибатлари



дунё давлатларига қимматга тушади

Кейинги йилларда иқлим ўзгаришлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу беҳиз эмас. Негаки, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш чоралари ҳозирдан қўрилмас экан, унинг оқибатлари кишилик жамиятига жуда қимматга тушиши аниқ. Бу ҳақда БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган маърузасида ҳам алоҳида таъкидланди.

Унда баён қилинишича, иқлим ўзгаришлари оқибатларини бартараф этиш учун дунё мамлакатлари йилга юз миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлашига тўғри келиши мумкин.

2050 йилга бориб, ҳароратнинг 2 даражага ортиши дунё даромадининг 2 фоизи фақат иқлим ўзгаришлари оқибатларига қарши курашга йўналтирилишини талаб этади. Аниқ амалий чоралар қўришга ҳозирдан киришилмас экан, бу рақам анча кўпайиши ҳам мумкин.

Кембриж университетининг иқлим ўзгаришлари бўйича эксперти Атмосферанинг оғохлантиришича, Атмосферага «парник газ»ларини чиқариш бугунги даражада давом этаверса, 2050 йилга бориб, ҳарорат 2 эмас, балки 4 даражага кўтарилиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, унинг оқибатларини бартараф этишга сарфланадиган маблағ ҳам ортиши аниқ.

Маърузада қайд этилишича, иқлим ўзгаришлари биринчи галда қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик пасайишига «ҳизмат қилади». Бунинг оқибати қандай муаммоларни келтириб чиқаришини тасаввур қилиш эса қийин эмас.

2016 йилда



Марсга парвоз бўлади

АҚШнинг «NASA» космик агентлиги ҳамда Европа космик агентлиги таркибига кирувчи Франция, Германия, Британия, шунингдек, Швейцария космик агентлиги ҳамкорлигида 2016 йили «InSight» самовий зондини Марс сайёрасига учиради. Бу борада улар ўзаро келишувга эришдилар, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

Келишувга асосан зонд «NASA» томонидан тайёрланади, унинг айрим ускуналарини етказиб бериш эса ҳамкор космик агентликлар зиммасида. Масалан, Франция космик агентлиги махсус сейсмометр тайёрлайди. У Марс сайёрасининг ер ости тектоник фаоллигини ҳамда сайёра юзасига келиб урилувчи метеоритлар зарбаси кучини ўлчаб, назорат қилади. Бу маълумотлар ёрдамида Марс сайёрасининг ички таркиби, унинг шаклланиш жараёни ўрганилади.

«InSight» самовий зонди 2016 йил март ойида учурилади ва 6 ойлик парвоздан сўнг сентябрда Марснинг кўниши мумкин бўлган Элизий текислигидаги 4 та ҳудуддан бирига қўнади. У 720 кун давомида фаолият олиб боради.

Зонд ичига яна геофизик термометр ҳам ўрнатиладики, у автоматик равишда 5 метрлик чуқурча қовлайди ва ер ости ҳароратини ўлчайди. Зонднинг яна бир ускунаси эса сайёранинг ўз ўқи ва Кўёш атрофида айланишини ҳамда тебранишини юқори аниқликда ўлчайди. Бу эса сайёра вазнини аниқлаш ва унинг ички таркиби ҳақида тушунча ҳосил қилишга ёрдам беради.

Сўхбатдош: **Обиддин МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ —

барқарорлик ва хавфсизлик асоси

28 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида давлатимиз сиёсатига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги алоҳида эътироф этилган. Зеро, инсонларнинг, жумладан, ходимларнинг саломатлиги миллий бойлигимиздир. «Тошкент халқаро аэропорти»нинг Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлими бошлиғи **Шавкат Сапаев** билан мулоқотимиз ҳам айнан ушбу мавзуга бағишланди.

— Меҳнатни муҳофаза қилиш — дейди у, — тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сийҳат-саломатлиги ва иқтисодий сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат доимий фаолиятдаги механизм ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар ва касб касалликларидан муҳофаза қилиш дунёдаги долзарб масалалардан биридир. Мазкур муаммони ижобий ечиш учун, авваломбор, унинг ҳақиқий манбаларини билиш зарур. Ҳеч бир бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги маълум бир сабабсиз юзга келмайди. Бундай ҳолатлар замирида меҳнатга бўлган эътиборсизлик, лоқайдлик, ижро интизомининг сустигили, меҳнат муҳофазаси маданияти ва касбий малака даражасининг саёзлиги каби иллатлар ётади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг асосий манбалари — рақ касаллиги 32 фоиз, юрак — қон томир касаллиги 23, инфекция касаллиги 17, нафас олиш органлари ва ошқозон касалликлари 6, инсон руҳияти бузилиши билан боғлиқ касалликлар 3 фоиздан иборат. Шунинг учун меҳнат муҳофазаси масаласига жуда эътиборли бўлиш талаб қилинади.

— Юқорида қайд этилган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш борасида сиз фаолият кўрсатаётган жамоада қандай тадбирлар амалга оширилади? — Президентимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши аэропорт меҳнат муҳофазаси муҳантарнинг аёллар меҳнатига белгиланган имтиёзлар, меъёрий ҳужжатлар орқали ман этилган касбларда улар меҳна-

тиндан фойдаланмаслик ва иш жойларида санитария-гигиена шароитларини яхшилаш тадбирлари ижросига бўлган назоратини янада кучайтирди. Шу маънода, жамоамизда асосий эътибор иш ўринларини ёш ходимлар билан таъминлаш, уларнинг мутахассислиги бўйича малакасини ошириш ва меҳнат фаолиятида қўлаб-қувватлашга қаратилмоқда. Шу билан бирга, замонавий бошқарув воситалари, билан тўлиқ жиҳозлаш ҳамда ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал ва сўт маҳсулотлари билан бепул таъминлаш масалалари ҳам маъмуриятнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

— Жамоада фаолият кўрсатаётган ёшларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича малакасини ошириш мақсадида қандай чоралар кўриляпти? — Ёшларимиз аэропорт ходимлари умумий контингентининг 28-30 фоизини ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар 270 нафар ёш ходим меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилди. 80 нафар ёш мутахассис касбий малакасини оширди. Ёшлар иштирокида доимий равишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техни-



каси бўйича тадбирлар, спорт мусобақалари ва спартакиадалар ўтказилиб келинади. Айниқса, уларнинг соғлиғини таъминлашга қаратилган тиббий кўриқлар сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон авиация хизматлари Маркази томонидан шу йилнинг март ойида ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси» бўйича ишларни ташкиллаштириш» кўрик-танловидан Тошкент аэропортининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш коритларида банд бўлган ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал ва сўт маҳсулотлари билан бепул таъминлаш масалалари ҳам маъмуриятнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

— Жамоада фаолият кўрсатаётган ёшларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича малакасини ошириш мақсадида қандай чоралар кўриляпти? — Ёшларимиз аэропорт ходимлари умумий контингентининг 28-30 фоизини ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар 270 нафар ёш ходим меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилди. 80 нафар ёш мутахассис касбий малакасини оширди. Ёшлар иштирокида доимий равишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техни-

каси бўйича тадбирлар, спорт мусобақалари ва спартакиадалар ўтказилиб келинади. Айниқса, уларнинг соғлиғини таъминлашга қаратилган тиббий кўриқлар сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон авиация хизматлари Маркази томонидан шу йилнинг март ойида ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси» бўйича ишларни ташкиллаштириш» кўрик-танловидан Тошкент аэропортининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш коритларида банд бўлган ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал ва сўт маҳсулотлари билан бепул таъминлаш масалалари ҳам маъмуриятнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

— Жамоада фаолият кўрсатаётган ёшларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича малакасини ошириш мақсадида қандай чоралар кўриляпти? — Ёшларимиз аэропорт ходимлари умумий контингентининг 28-30 фоизини ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар 270 нафар ёш ходим меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилди. 80 нафар ёш мутахассис касбий малакасини оширди. Ёшлар иштирокида доимий равишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техни-

каси бўйича тадбирлар, спорт мусобақалари ва спартакиадалар ўтказилиб келинади. Айниқса, уларнинг соғлиғини таъминлашга қаратилган тиббий кўриқлар сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Жамоада фаолият кўрсатаётган ёшларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича малакасини ошириш мақсадида қандай чоралар кўриляпти? — Ёшларимиз аэропорт ходимлари умумий контингентининг 28-30 фоизини ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар 270 нафар ёш ходим меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилди. 80 нафар ёш мутахассис касбий малакасини оширди. Ёшлар иштирокида доимий равишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техни-

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Озиқ-овқат турлари кўпаяди

янги иш ўринлари яратилади

Республика озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан «Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш — тараққиёт кафолати» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раҳбарлари, масъул ходимлари, тизимдаги корхоналар вакиллари иштирок этди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи Ўзбекистон ижтимоий-иқти-

содий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу боис аҳоли жон бошига нисбатан асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари — галла, гўшт, сўт, тухум ва мева-сабзавот маҳсулотларининг микдори ошди, ушбу муаммоларнинг қайта ишланган ҳажмлари эса кескин қўпайди. Натияжада, барча асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари мамлакатимизнинг

ўзидан ишлаб чиқарилиб, юрти-мизда озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигига эришилди.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида уюшмамиз таркибидagi корхоналар томонидан 742,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 106,2 фоизга ўсиш суръатига эришилди, — дейди **Республика озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг**

раиси ўринбосари **Фахриддин Норматов**. — Усиш суръатлари қандолатчилик тармоғида 254,8 фоизни, озиқ-овқат тармоғида 243,6, шакар тармоғида 104,6, ёғ-мой тармоғида 100,6 фоизни ташкил этади.

Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган давлат инвестиция дастурига асосан 2014 йилда уюшма тизимидаги корхоналар томонидан 42 та лойиҳа амалга оширилиши ва 81,62 миллион АҚШ доллари миқдоридан сармоя жалб этилиши кўзда тутилган. Белгиланган лойиҳалар ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган 3 ойида 11,54 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан биргаликда 2014 йилда жами 1180 та лойиҳани амалга ошириш ва 10333 та янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун январь-март ойларида 275 та лойиҳани амалга ошириш ишлари бажарилди ва 2000 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Матбуот анжумани сўнггида уюшмамиз масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Тоштемир **ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — БОЙЛИГИМИЗ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат музика театрида «Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий семинар ва «Биз — ягона оила фарзандларимиз» номли кўргазма бўлиб ўтди.

Биз — ягона оила фарзандларимиз

Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Республика Байналмилал маданият маркази, дин ишлари бўйича қўмита, Республика маънавият тарғибот маркази, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгибоев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, миллатлараро тотувлик ва бирдамликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирлар доирасида рассомларнинг миллатлараро дўстликни акс эттирувчи санъат асарлари, ёш хунармандлар томонидан яратилган халқ амалий санъати намуналари, айниқса, миллий маданий марказларнинг фаолиятига оид турли кўргазмалар, плакатлар, миллий кийимлар, таомлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Миллий маданий марказлар бадиий жамоалари, республика санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг она Ватан, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлари кечага янада фойз бағишлади.

Халқлар дўстлиги байрамига айланган кетган тадбир мобайнида Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатиб келаётган миллий маданий марказ вакилларига эсдалик совғалари топширилди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инха университети

энди Тошкентда ҳам фаолият юритади



ҲАМКОРЛИК

Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Жанубий Кореянинг Инха университети маъмурияти ҳамкорлигида Инха университети фаолиятини ташкил этишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, малакали кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Президентимиз томонидан 2014 йил 24 март куни «Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарор имзоланган эди. Ан-

жуманда Қарор ижроси ва университетнинг келгуси режалари, қабул жараёнлари хусусида сўз юритилди. Савол-жавоб тарзида кечган учрашувда коллеж ҳамда академик лицей битирувчилари, журналистлар ва соҳа вакиллари иштирок этди.

Инха — Жанубий Кореянинг энг нуфузли университетларидан бири бўлиб, ахборот коммуникация технологиялари соҳаси бўйича жаҳон миқёсида илгор университетлар юзталигидан жой олган.



Биз ўқитиш тизими ва қабул жараёнлари ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун университетнинг қабул комиссияси бўйича декани жаноб Жун Хо Ким билан суҳбатлашдик.

— Университет ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз?

— Инха университети 1954 йилда ташкил этилган. Хозирги вақтда унда турли йўналишлар бўйича жами 20 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади. Университет муҳандислик ва ахборот технологиялари йўналишида Жанубий Кореянинг энг яхши бешта олийгоҳидан бири ҳисобланади. Мамнуният билан айтманки, Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда университетимизнинг филиали очилди.

Бизнинг олий мақсадимиз ҳар томонлама кучли ва билимли мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг келгусида дунё миқёсида ўз салоҳиятларини намойён қилишларига қўмақлаштириш.

— Тахсил давомида ўзбек ва корейс ёшларининг ўзаро таъриба ва фикр алмашишлари ҳам кўзда тутилганми?

— Албатта, тахсил давомида ўзбек ёшларининг Жа-

нубий Кореяга бориши режалаштирилган. Бугунги кунда дунёга машҳур «SAM-SUNG» ва «LG» компаниялари Инха университети билан ҳамкорликда ишлайди. Ўзбек ёшлари ҳам ушбу жараёнларни кузатиб, ўз малакаларини оширишлари мумкин бўлади. Таълим дастури университетимизнинг ўқув режалари асосида олиб борилади.

— Университетга қабул тартиби қандай бўлиши ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Синов жараёнларини Кореядан келган кучли мутахассислар олиб боради. Барча имтиҳонлар инглиз тилида бўлади. Абитуриентлар IELTS (халқаро инглиз тили тест тизими)да инглиз тилини 5,0 балл даражасида билишлари талаб этилади. Бу йил 150 нафар ёшни талабалик сафига қабул қилиш кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, абитуриентлар жорий йилнинг 7 майдан 21 июнгача Тошкент шаҳридаги Инха университетининг www.iut.uz расмий веб-сайтдан онлайн рўйхатдан ўтишлари керак бўлади. Қолган барча маълумотлар ушбу сайтда келтириб ўтилган. Бўлгуси талабалар янги олий ўқув юртида инглиз тилида таълим олишади ва битирувчиларга Ўзбекистон ва бутун дунёда олий таълим ҳужжати сифатида тан олинган Инха университетининг дипломи топширилади.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОКС

Жаҳон чемпионатининг тўртта медали

ҳамюртларимизга топширилди

Болгариянинг София шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг юздан зиёд давлати вакиллари иштирок этган мазкур турнирда мамлакатимиз боксчилари 1 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалига сазовор бўлиб, икки йил аввал Ереван шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эришилган натижани (1 тадан олтин ва кумуш) яхшилашга муваффақ бўлди.



Олтин медалга Бектемир Мелиқузиёв (-69 кг) сазовор бўлди. Сулаймон Латипов (-49 кг) кумуш, Иқболжон Холдоров (-60 кг) ва Қозимбек Мардонов (-75 кг) бронза медали билан тақдирланди.

Терма жамоаси аъзолари жаҳон чемпионатининг медалларидан ташқари жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсирилар ёзги Олимпия ўйинларига ҳам учта йўлланмани қўлга киритди (қойдага кўра, ҳар бир терма жамоа кўпи билан учтадан Нанкин-2014 ўйинларининг йўлланмасига эга бўлиши мумкин). Таъкидлаш жоизки, ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Куба, Қозғистон ва Болгария терма жамоаларигагина олтин медаллар насиб этди.

Шаҳбоз САИДОВ,
ЎЗМУ талабаси.



Сирож АСЛОНОВ (ўса) олган сурат.

Намунали таълим маскани

Навоий вилояти Навбахор туманидаги 26-умумтаълим мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилган.

Мактабнинг фан кабинетлари замонавий ўқув куроллари, компьютер тўпламлари билан жиҳозланган. Йигирмадан ортиқ тўғарак ўқувчиларнинг бўш вақтини маъмули ўтказиши, билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Ўқувчилар орасида математика, табиатшунослик, айниқса, чет тилларини ўрганишга қизиқиш катта.

Суратда: мактаб ўқувчилари машғулот пайтида.

2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Шифохонанинг янги биноси

Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси янги бинога кўчиб ўтди.

200 ўринга мўлжалланган ушбу даволаш муассасасида диагностика маслаҳат бўлими, кўп тармоқли поликлиника ҳамда 50 ўридан иборат туғуруқ бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Шифо масканининг ишга тушиши «Соғлом бола йили» Давлат дастуридаги она-бола саломатлигини муҳофазалаш, даволаш-профилактика муассасаларини модернизациялаш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш каби кенг қўламли вазифаларнинг амалдаги ижроси ҳисобланади.

Ўз мухбири.

Сохта имзо ва текин даромад

ҚИНФИР ИШ

Нафсим менинг балодир, ҳар йўрғага соладир... Жарқўрғонлик Хусниддин Донаев ҳам унинг йўрғасига юриб, охири мулзам бўлди.

У Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Октепа» қишлоқ врачлик пунктида ҳисобчи вазифасида ишлаган даврида шу балога йўлиқди. Бу шоввоз ҳисобчи икки йил давомида тўлов қайдномалари ва қишлоқ врачлик пункти мудирининг имзосини сохталаштирган ҳолда ходимларга ойлик маошлари ёзиб юрган. Жумладан, ҳужжатларга Х.Жумаева, Г.Хазратқуллова, С.Мамараймова М.Маматмуродовларнинг исм-шарифларини киритган ва уларга маош белгилаган. Унга ўз номи тиркаб қўйишни ҳам унутмаган. Нафақадаги Б.Бобоқулловага эса «ҳадя» сифатида 2 миллион 213 минг 643 сўм тайинланган...

Шундай қилиб, жами 5 миллион сўмдан ортиқ бюджет маблағи ўзининг ихтиёрида бўлган 6 нафар ходимнинг банк пластик карточкаларига ўтказиб юрилди. Охир-оқибатда Хусниддин Донаев карточкалардаги пулни «ечиб» олиб, манфаати йўлида ишлагиб юборди.

Тегиришда аслида 19 нафар тиббиёт ходимига берилиши лозим бўлган бюджет маблағи 6 кишининг номига ёзилиб, ҳисобчининг «кисса»сига тушганиги маълум бўлди.

Қинғир иш барибир очилади. Донаев эрк берган Хусниддин Донаев суднинг ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Бунёдкор»нинг муҳим ғалабаси

СПОРТ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари поёнига етди. «В» гуруҳида тўп сурган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси охириги турда Қатарнинг «Ал-Жаиш» клуби меҳмони бўлди.

Бунёдкорчиларни мазкур учрашувда фақатгина ғалаба қаноатлантирарди. Биринчи даврада Тошкентда қатарликларга имкониятни бой берганлиги боис кўпчилик ушбу ўйинда юртдошларимизнинг муваффақият қозонишига ишонмаётганди.

Аммо ҳамюртларимиз учрашувни ҳужумкор руҳда бошлади. Айниқса, 13-дақиқада Сергей Симоненконинг ўйинда ҳисобни очиб «Бунёдкор» футболчиларида ўзларига бўлган ишончини оширди. Бироқ иккинчи бўлимда мезбонлар гол киритиб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Мураббий Александр Волковнинг таркибда қилган ўзгаришлари ўзини оқлади. Аксарият муҳлислар ўйин дуранг натижа билан туғанини таҳмин қилаётган охириги дақиқаларда иқтидорли футболчи Сардор Рашидов «Ал-Жаиш» жамоаси дарвозасини ишғол этди ва «Бунёдкор»га зарур уч очкони тақдим этди. Бу иродали ғалаба эса ҳамюртларимизга 1/8 финал босқичи эшикларини очди.

— Ўйин олдидан бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ал-Жаиш» ғалаба учун ўйнайди, деб айтиб ўтгандим, — деди «Бунёдкор» мураббийи Александр Волков. — Аввало рақиб аъзоларининг бизга тақлиф қилган ҳужумкор ўйини учун миннатдорчилик билдираман. Тезкор гол урганимиз яхши бўлди. Бунинг натижасида қатарликлар ҳужумга зўр беришди. «Ал-Жаиш»

жамоаси ҳисобни тенглаштиргач, таблодаги ҳисобга ишониб орта чекинди. Бу албатта, жазосиз қолмади. Ғалабадан хурсандман. Жамоамиз Осиё чемпионлар лигасида еттинчи мавсум иштирок этаётган бўлса, ҳар йили гуруҳ босқичидан муваффақиятли ўтган. «Бунёдкор»нинг ушбу мусобақадаги ёқимли анъанасини давом эттирганимиздан бахтиёримиз.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Саудия Арабистонининг «Ал-Фатҳ» жамоаси Эроннинг «Фулад» клубига ютқазди — 1:5.



Куръага кўра, энди бунёдкорчилар нимчорак финалда Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» жамоаси билан куч синашади. Дастлабки учрашув 7 май кун Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионда бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

ЭЪЛОН

Тошкент автомобиль-йўллар институти

2014 йил 24 май соат 9:00 да Тошкент автомобиль-йўллар институти 1974 йил битирувчиларининг учрашувни ўтказилишини маълум қилади. Учрашувга ушбу йил битирувчилари тақлиф этилади.

Манзили: Тошкент, Амир Темури шох кўчаси, 20-уй, ТАЙИ.

Телефонлар: 233-08-27, (93) 583-92-80, (93) 551-92-92, **факс:** (+99871) 232-14-39.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonaga — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turyan ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460 19546 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 02.25 Topshirilgan vaqti — 03.05

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5